

ТОШКЕНТ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 241 (7. 330)



1990 йил 20 октябрь, шанба

Ваҳоси 3 тийин.

Тонгги рўзномаларда

- Уртоқ М. С. Горбачевнинг «Халқ ўнжалигини бар-барига» деган кўрсатилган бозор иқтисодиётига ўзининг асосий йўналишлари тўғрисида» ССЖИ Олий Кенгаши сессия-да сўзлаган кўнгининг матни берилган.
- ССЖИ Президенти М. С. Горбачевнинг «Жаҳо-шумуд оилавий снбас ва оила ҳуқуқлари: ҳозирги аҳо-ли ва келажак» Халқаро конференциясининг қатнаш-чиси бўлган Табриғи эълон қилинган.
- «Хуқуқ ҳодимлари хуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилин-син» — КПСС Марказий Қўмитаси Иттибоийат мажлиси-дан берилган ҳисобот ана шундай номланади.
- 18 октябрь кўни Москвада, Союзлар уйланинг Кол-лонна залда бўлган кечда Ўзбек совет адабиёти асосчи-ларидан бири — Ҳамид Олижоннинг 80 йиллик тавал-лудига бағишланди. Бугун жумҳуриятимиз рўзномалари-да ана шу мажлис ҳақида батафсил ҳисобот эълон қилин-ган.
- Мамакатанизм ҳаётига доир янгликлар, меҳнат-кашлирнинг рўзномалар муҳаррирлярига йўллаган мак-тублари, чет эллардан олинган телеграммалар берилган.

Мутасаддилар фикрича...

ШАҲАР ҚИШГА ТАЙЁРМИ?

В. КИМ,
Тошкент шаҳар ижроиа ко-митети у-ноий бошқармаси-нинг бошлиғи.

— 15 октябрдан бошлаб шаҳримиздаги мактаб, бо-го, кассалона ва шунга ўхшаш мутасаддилар иссиқлик би-ри-ле бошланди. Бугунгача 90 фонд мутасаддилар иссиқлик билан таъминланди.

Кўнлар сел совиши билан баъзи ҳақиқатларнинг уйлари иссиқлик берилмаганли-ғи ҳақида шикоят қила бош-лашди. Улар хотиржам бўлин-син. Бугунги кунда шаҳримиз-даги ҳамма иссиқлик тар-моқлари қишга мослаштириб, тахт қилиб қўйилган.

— Вячеслав Михайлович, шаҳримиздаги қайси бир рай-онда қиш мавсумида яхши тайёргарлик кўрилмади?

— Биласизми, Акмол Икро-мов райониди аҳоли анча ча-ток. Сабаби бу ердаги 99 фоз уйланинг кўзурини ал-лаштириш ва бошқа солаш иш-ларини бажариш керак. Бизда материаллар жуда тақ-чил, бу ердаги ишларнинг ҳақмасини бажариш учун кучимиз ҳам етмапти. Собир Раҳимов районининг «Олимпия» ва «Севёр» да-ҳаларда ўтган йил солаш иш-лари олиб борилди. Лекин Қорақалъа ҳақсизда ишлар-ни қишга тайёргарлик кўрил-мади. Бу ердаги ишларни ҳам 1 ноя-брда тугатишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Киров, Сергелли, Фрунзе, Ҳамза, Чинзорор ва Ленин районларида аҳоли яхши. Бу ерда деярли ҳамма ишлар ерда этилди. Бугунги кунда ишчи комиссияси ишлаб ту-рибди. Ҳар кун комиссия аъ-забери районларда қишга тайёргарлик ишлари қандай бажарилиётгани билан яқин-дан танишиб, рўй берган кам-чиликларни тезда бартараф этиш чорасини кўришмоқда. Бу ишда шаҳримиздаги ҳамма кизмат кўрсатиш тармоқлари иштирок этмоқда.

ИСТЕЪДОДЛИЛАР

ХОРИЖГА БОРИШАДИ

Ғ. ОЙХУҲАЕВ, Ўзбекистон ёш олимлари ва мутахассислари бошқармаси-нинг бош директори.

— Жумҳуриятимиз Олий ва ўрта махсус таълим вазирли-гининг қарорига биноан бу бйрлашма ташкил этилди. Бизнинг асосий вазифамиз-дан бири тижорат асосида жумҳуриятимиз олий ўқу-юртларини хорижий мамла-катадаги билан ҳамкорлик борисда воситачилик қилиш. Бунда мутахассислар тайёр-лаш борисда чет эл фирмал-ри, ўқу-юртлари, илмий марказлар билан музокаралар ташкил этилади. Жумладан, халқаро ва ўқу-алоқлари шўба-си билан бирликтида шу йилнинг октябрь, ноябрь ой-ларда туркум лицейлар ўт-казиш тўғрисида келишиб олинди.

Бугунги кунда жаҳоннинг ўн-дан ортик мамлакатлари миллий кадрлар тайёрлашда жум-ҳуриятимиздаги олий ўқу-юртлари билан ҳамкорлик қила-тиш истагини билдиришмоқда. Бизнинг бйрлашамиз ақин-да ташкил этилган бўлишига қарамасдан бир қанча ўқу-юртлари фирмалар билан шартнома тузди. Хитой, Ли-ван, Афғонистон, Колумбия, Япан каби мамлакатлар ўз тавалларини тайёрлаб бери-шимиз учун вазюта ҳисобига ҳақ тўлайдиган бўлишди. Бу олинган маблағлар қорғиний ерларда таълим олаётган истеъдодли олий ўқу-юрт та-лебаларига сарфланади.

Ғ. ОЙХУҲАЕВ



Биз—байналмилалчилармиз

МУШТАРАК МАҚСАД

ШАҲРИМИЗДА байналмилал жамоалар жуда кўп. Шулар-дан бири Ф. Хўжаев номидаги 1-Тошкент пойабзал ишлаб чи-қариш бирлашмасидир. Корхона ишчилари халқимизнинг пой-абзал маҳсулотларига бўлган талабини қондириш йўлида қўн-ни-қўлга бериб меҳнат қилмоқдалар. Тўғри, авваллари бу ер-да ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг сифатига кўплаб эътирозлар бўлиб турар эди. Ленин корхона жамоаси бир-лашма шон-шавкатини кўтариш йўлида изланиб кейинги пайтларда маҳсулотларнинг сифати бориснда ҳам хайрли на-тамалар ташламоқда. Эриштирилган бу ютуқларда аввало иш-чиларнинг ўзаро аҳиллиги, ягона мақсад йўлида фидойилик кўрсатиши натта роль ўйнамоқда.

Биз бирлашма ишчиларининг ўзаро меҳр-муҳаббатни тўғри-сида бекиш гапиратганимиз йўқ. Бу ерда турли миллатга мансуб бўлган ишчилар бир-бирлари билан ана-унаден, опа, синглидек қалин бўлиб кетишган. Шундайлардан бири чап-даги суратда тасвирланган Тамара Сидорова билан Фарид Собитовалардир.

— Эрта билан яхши кайфиятда ионажон корхонамизга ошинамиз, — дейди Тамара Сидорова. — Чунки бу ерда мени севаган касоби ва яқин ҳаммаси дугоналарим кўтиб туриша-ди-ди. Ахир севаган касобида ишлаш ва ўзинг учун яқин бўлиб қолган ҳаммасиларинг даврасида бўлишга нима етсин!

Тамаранинг ушбу фикрларини давом эттириб Фарид Собитов шундай дейди:

— Дарқанат, аҳиллик ва ҳаминҳатликда гап кўп экан. Мен шу бирлашмада ишлаган кезларимда бунга янада ишонч ҳосил қилдим. Аҳиллик бўлган жойда зафарлар бўлишига чу-қур ишондим.

Ҳаммаси дугоналарнинг ана шу гапларида жуда ҳам натта маъно бор. Биз бирлашманг модели пойабзал участкаси жонкувралардан бири Миннавар Ҳайбуллаева билан бўлган суҳбат пайтида бунга ана бир бор ишонч ҳосил қилдим. Мух-биримиз Шерён Иброҳимов тасвирга туширган ва ўнг томон-даги суратда ниғонини банарайтан ишига қаратган бу меҳ-натсевар айнинг ҳам бирлашмада аюийиб ҳаммаси дугона-лари кўп.

Муштарак мақсад йўлида, бир оила фарзандларидан ақил ва ҳақинҳат бўлиб меҳнат қилаётган бундай ишчилар бирла-шмада кўпчилигини ташкил этади.

С. БОБОЕВ.



Тил тўғрисидаги Қонун—амалда

АСОСИЙ ИШЛАР ҚАЛИ ОЛДИНДА

● Эртага Давлат тили ҳақидаги Қонун қабул қилинганга бир йил бўлади. Шу давр ичда Қонуннинг кўпгина мод-далари амалга оширилди, кўчалар, даҳал-лар ном ўзбек тилида ёзилди, мавзе-ларнинг тарихий номлари тикланди. Ле-кин асосий ишлар ҳали олдинда.

Ўзбек тилига давлат мақоми берил-ганга бир йил ўтгани муносабати билан Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили тўғри-сидаги Қонуни амалга ошириш комис-сиясининг аъзоси, Ўзбекистон Ёзувчи-лари уюшмаси бошқарувининг котиби Тоҳир Малик билан суҳбатлашдик.

— Тоҳир ака, мана, тил ҳақидаги Қонун қабул қилинганга ҳам бир йил бўл-ди. Фикрингизча, бир йил мобайнида қан-дай ўзгаришлар бўлди?

— Бизда қизиқ одат бор. Бу — Қонун чиқди, уни амалга оширадиган-лар бор, деб ўзимизни четга олди ода-ти. Ўзбек тили Давлат тили мартабасига (менимча мақом эмас, мартаба дейиш тўғрироқ бўлади) эришиш йўлида тала-ла, зўбэли ва олимларимиз гайрат ва ши-воат билан меҳнат қилишди. Қонун қа-бул қилинганга эса, бу шикоят суеяиб қолди. Яъни тилимизга Давлат тили мар-табаси берилганидан сўнг биз ҳурханд бўлиб хотиркамликка берилдик. Туғил-ганлик ҳақидаги тавуҳномаларга ном-ларни истаганига ёздирини, кўча номларни ўзбекча-лаштириш билан кўп нарсани эришиб бўлмайди. Бу зарарлар, хо-лос. Она тилимизни асл ҳолига келтириш учун ҳали жуда кўп меҳнат қилиш ке-рак. Тўғри, комиссиялар, комитетлар тузулиб, маблаг ажратилди. Бироқ ҳам-ма жойда ҳам иш бир хилда олиб бо-рилмайпти. Баъзи жойларда жонкув-ра ишлар ҳаракати билан феолиньк ва серғайратлик бўлса, баъзиларда эса тил тўғрисидаги Қонуннинг амалга оли-нишига эътиборсизлик билан қараляпти. Мабуот органларимиз сўзларни ўзгар-тиришда бироқ шошалоқликка йўл қўйишяпти, баъзан эса нотўғри йўлдан кетиш ҳам кузатиляпти. Масалан, ин-ститут ўрнига олийгоҳ сўзи ишлатил-пти. Бу сўз мутлақо нотўғри. Олийгоҳ олий жой дегани, Билимгоҳ тўғри ке-лади. Бу ерда гоҳ сўзи фурсидан ўтган. Шунингдек, европача сўзларнинг бар-часидан воз кечиш нотўғри деб ўйла-ман. Дунёвий нобораларни сақлаш керак. Кўп ишлатилган сўзларни ўзгарти-ришдан олдин халқ олдида ўтиб, уни қабул қилганими ёки йўқми, аниқлаш даркор. Чунончи, турклар ҳам тилини ислоҳ қилиш учун жуда кўп йиллардан бери ҳаракат қилишяпти. Масалан, биз маданият деймиш, бу арабча сўз, тур-клар эса культур дейишади. Журналини — ойнома, газетани эса рўзнома дей-миш, аслида эса рўзнома эмас кўнума. Чунки рўз форс тилида кун дегани. Бун-дан 80 — 90 йиллар мукдадда олим-лар, жумладан жадидалар туркий тилини пухта билишган, лекин улар газета сў-зини сақлаб қолтирган, Масалан: «Тур-кистон вилоятнинг газети». Яъни, га-

зета эмас газет. Умуман, мен туркий талаффуз этиладиган ҳолда биз ўрган-иб қолган лотин ва Европа сўзларини сақ-лаб қолиш тарафдориман. Сўзлар бир тилдан бошқа тилга кўчиб юради. Иқлим деймиш, бу юнонча климатос сўзининг араб тили орқали иқлим қўрилишда кир-иб келгандир. Сўзларни тартибга кел-тириш учун вақт керак. Аммо, таъжиб-лайман, Қонуни амалга оширишдаги ишларимиз суст.

— Қонунни амалга оширишнинг яқин-кичи йилга қадам қўйляпиз. Бунда асосий эътиборни дималарга қаратиш керак, деб ҳисоблайсиз?

— Биринчидан, ўзбек тили ёлғиз ри-вожлана олмайди. Татар, қозоқ, қирғиз, туркман, озарбайжон каби туркий тил-лар гуруҳи билан барабар ривожлани-ши мумкин. Худди шу каби қозоқ, қир-ғиз, уйғур, қорақалпоқ тиллари ҳам ўз-бек тилисиз тўла шакллана олмайди. Чунки тиллар ҳам бир оила фарзандла-ридек бир-бири билан боғлианиб, жип-лашиб кетган. Бундан ташқари, бошқа жумҳуриятларда ҳам Давлат тили мар-табаси деярли бир вақтда берилиши жу-да яхши бўлди. Биринчи галда туркий жумҳуриятларнинг тил масаласидаги иш-ларини марказлаштириш лозим. Сўнг эса туркий халқларнинг ёзувларидаги фарқларни йўқотиш керак. Масалан, биздаги баъзи ҳарфлар қоюқларда йўқ ва ақсинча. Уларнинг ҳарфлари бизлар-ниқидан кўпроқ; ана шу фарқларни ту-гатилиш пайти келди. Ҳарфлар бир хил бўлса бир-бирларининг адабиёти билан танишиш ҳам осон бўлади. Ўзбекистонда жамиятлар кўп; географлар, ҳатто итти сеувчилар жамияти ҳам бор. Лекин не-гадир ўзбек тили кўнгилли жамияти йўқ. Қозғоғистонда яқинда қозоқ тили жумҳурият кўнгилли жамияти тузилди. Яқинда унинг Чимкентдаги таъсис ма-нлисида қатнашдим. Мажлис давомида қозоқ тили равақи учун жамият жамгар-масига бир неча юз минг сўм келиб ту-шди. Улар ҳатто жамият газетасини ҳам нашр этишди. Бизда эса атамалар комиссияси варақа чинқармоқчи. Бу билан ишчи ола силжитиб бўлмайди. Кун-далик ёки жуда бўлмаганда «Неделя» шаклидаги ҳафталик газета керак. Юқориди масалалар ҳал бўлса, тил тўғри-сидаги Қонун амалга ошириш мумкин. Бу жуда улут иш ақилчилли қайд эт-ган ҳолда, унинг ҳавотирли томонлари ҳам борлигини айтиб ўтмоқчиман. Қонун қабул қилинганидан сўнг кўпгина ишларда бошқа тилларни ўрганиш шарт эмас деган фикр пайдо бўлди. Араб алиф-боси ва тилига бўлган қизиқини қунайди. Бу яхши албатта, лекин гап Ўзбекистон-нинг иқтисодий-сиёсий мустақиллиғи ҳа-қида кетар экан. Европа тилларини чу-қур ўрганиш зарурлигини унутмаслиғи-миз шарт. Масалан, араблар ҳам дунё билан илгиз тили орқали алоқа қили-шади. Европа тилларини ўрганишга биз-да азалдан эътиборсиз қараб келишган.

(Давоми 2-бетда).

● Маълумки, жумҳуриятимизда ва Тошкентда милиция ходимларининг зичлиги мамлакатимиздаги даражадан тобора ка-биробар кам. Фақат милициянинг кўчи билан ҳозирда тобора ўсиб бораётган жиниоқчиликнинг пайини қирқиб қилиш, албатта. Бунинг учун бу ишда кенг жамоатчилик жалб этиш, милиция сафарини кучайтириш, иштироки кадрлар билан таянчилаш, унинг ҳақий-техника базасини муста-камлаш зарур. Шу бонс кун-кеча бўлиб ўтган Тошкент ша-ҳар Кенгашида ҳам жиниоқчиликка қарши кураш масалалари билан бирга, автомобилларини олиб қочиш тобора тўх-тамаётганилиги, бунинг учун Тошкент шаҳар ДАТ [Давлат ав-томобиль текшируви] бошқармасини янги кадрлар билан тўлдиритиш зарурлиғи ҳам қайд этиб ўтилди ва махсус қарор қабул қилинди.

Шу муносабат билан муҳбиримиз Тошкент шаҳар давлат автомобиль текширув бошқармаси бошлиғи, милиция под-полковниги Аҳмаднор ЭРКАБОВга бир неча саволлар би-лан муножават қилдик.

— Аҳмаднор ака, бизнинг қонунларимиз жуда қизик-чи. Баъзан реэиндаме қўзилади, баъзан эса дўппидек тор келиб қолади. Мана масалан, машина олиб қочганлар бор-йўғи ички янги озоқликдан маҳрум этилар экан! Шунинг учунми автомобилларини олиб қочувчи «қишқозлар» кўпайиб кетаяпти...

— Ҳақ гап. Бўлиб ўтган ке-нгда ҳам сўзга чиққанларнинг ҳаммаси қонунчилигимизни такомиллаштириш керак, деган қатъий фикрни билдири-дилар. Агар «юмош» қонун-ларимиз бироқ «қаттиқ» бўл-ганда эди, масалан, машина олиб қочувчиларни 10—15 йилга озоқликдан маҳрум эт-ганда эди, бундай жиниоқлар сўзсиз қамалган ва умуман йўқолган бўлар эди.

— Бу масаланинг биринчи томони, иккинчи томони — йўл назорати хизмати ходимлари сонини ошириш, уларни замонавий техника воситалар билан тавабиллаш шу кунинг асосий талабларидан бири бўлиб қо-ляпти...

соғлиғи тўғри келган, Тошкент шаҳрида уй-жой ва муқим рўйхатдан ўтган фуқаролар қабул қилинади.

— Тавпадан ўтганлар қан-дай митиёларга эга? Уларга қандай ҳал бўлган?

— Меош уларнинг ички иш-лар органлари хизматидаги муддатига қараб туланади. Масалан, оддий ва кичик бо-шлиқлар тартибда би йил хизмат қилган милиция ходим-ларига 165 сўмдан 250 сўмга-ча меош туланади. Шунинг диққатга сазоворки, уларнинг бир қисми деромеддан уни-рлидаган солиқдан озоқ қилинади.

— Меҳнат таштили қандай бўлади?

— Барча милиция ходимла-

еъзолари ана шу имконият-лардан фойдаланишлари мум-кин.

— Ички ишлар органларига қабул қилинган ишлар ўла-рининг касб махоратини оши-риш имкониятига эга бўлади-ларми?

— Ҳа, албатта. Ички ишлар органларига қабул қилинган ишлар ўза маълумотиға кура ССЖИ Ички ишлар министрли-гининг олий ва ўрта махсус мактабларида, шунингдек фу-қаро олий ўқу-юртларида (қундузи ва сиртдан) ўқиш-лари, ўз маълумотларини оши-ришлари мумкин. Ички ишлар органларида 25 йил хизмат қилган оддий ва бошлиқлар гариқбидиғи ходимлар кўп йил ишлаганлиғи учун нафақа олиш ҳуқуқига ҳам эгилар.

— Уйлаймизки, милиция сафига, айниқса давлат авто-мобиль текширув бошқарма-сида ишлаши ҳоқловчилар шаҳримизда кўплаб топилмади. Айтнинг-чи, улар бу масалада қишга ва каврга муружат қи-лишлари мумкин?

— Қишга давлат автомобиль текширув бошқаровида иш-лашнинг ҳоқласи, Глинка қўчаси-даги 44-уйда жойлашган дав-лат автомобиль текширув бошқармасининг кадрлар гу-руҳига барча масалалар бўй-ча муружат қилиши мумкин. Кадрлар гуруҳининг телефони 36-99-75. Шунингдек, улар рай-он ички ишлар бўлимларининг кадрлар гуруҳига ҳам муру-жаат қилишлари мумкин.

Хўжатарин қабул қилиш 1990 йилнинг 1 декабрга, фақат шанба ва душанба кун-лари амалга оширилади.

Сўхбатдош Т. ТОШЕВ.

«Оқшом»нинг азиз муштарийлари!

Ҳафталик «ойна жаҳон» кўрсатувлари тўлалиғича албатта эълон қилинади.

«Оқшом» рўзномаларининг ҳафтанинг сўнги кунда Бутун-иттifoқ ва жумҳурият «ойна жаҳон» кўрсатувлари режасини бутун бир саҳифада бериб боршидан бизлар жуда ҳам мамну-нимиз. Лекин яқинда «ойна жаҳон» орқали берилган эълон — яъни жумҳурият рўзномалари саҳифаларида гуё 1991 йил-дан бошлаб ҳафталик кўрсатувлар режаси берилмади, деган гап бизни ўйлантириб қўйди. Шу ростми?..

«Оқшом» рўзномасига шу кунларда келаятган хатлар ва бў-лаетган қўнгиноқларда муштарийларимиз ана шундай сўзлар-ни ташвишлик айтмоқдалар. Биз эъзиз ва қадрли мултисла-римизга шундай деймиш: асло ташвишланманг, кўнгилингиз хо-тиривам бўлсин, биз иеласи йилда ҳам «ойна жаҳон»да на-моийш этиладиган кўрсатувлардан оқшомонларини ўз вақтида тўлалиғича хабардор қилиб борамиш. Ҳафталик кўрсатувлари режаси муштарийларимиз учун жуда қулай усулда яригил-лади.

Бугун рўзномамизнинг 4-саҳифасида одатдагидек «ойна жаҳоннинг» навбатдаги ҳафталик кўрсатувлари тартиб эълон қилинмоқда.

Сўзимизни мухтасар этиб эслатиб ўтмоқчимиз: агар Сиз «Тошкент оқшом» рўзномасини келгуси йилнинг 1 январидан муштасам олмоқчи бўлсангиз бугунги ишни эртага қўймай обунани расмийлаштиришга шошилинг. Йиллик обуна баҳо-си — 17 сўм 40 тийин, яриш йилга 8 сўм 70 тийин, уч ойга 4 сўм 35 тийин.

Рўзнома индекс — 6490.



Душанба, 22

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 Янгиликлар. 18.10 Мультифильмлар тўплами: «Эртикул ва яқовлар», «Катта савҳат», «Саҳри қамон».

21.30 Москва. «Время». 22.00 «Унутилмас сатрлар». Хўжа Аҳмад Яссавий. 23.15 «36-80» квадратдаги ҳодиса. Бадий фильм («Мосфильм»).

ССЖ халқ артисти Ато Муҳаммаджон таваллудининг 50 йиллигига бағишланган телевизион ҳужжатли фильм премьераси («Тошкентфильм»).

16.00 Ҳужжатли фильм. 16.30 ССЖ Иттифоқи Большой театри духовой оркестрининг концерти. 16.55 «Объектив».

22.35 Ч. Айматов. «Кунда». Ф. Камол номили татар Давлат академик театри фильм-спектаклининг премьераси. 00.50 «ТСН».

11.55 «Педагогика ҳамма учун». Киносинф. 13.00 Такрорий телефильмлар сенеси. «Йўловчи қайрилиб қараса» (Шимолий Осетия телевидение студияси).

19.30 ССЖ Давлат телерадиоси рус халқ чолғулари академик оркестрининг концерти. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Н. Дурова кузурда меҳмонда».

Сешанба, 23

11.25 Кўрсатувлар тартиби. 11.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. Бейсик тили. 12.00 «Санъатим чашмаси». Телефильм.

19.00 «Ўзбек тилини ўрганамиз» (такрор). 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Қуз ҳавллари...».

«Обуна-91». Бевосита мулоқот. 20.50 «Есинсой чўлларида». Телефильм. 21.00 Тижорат хабарлари (рус тилида).

12.50 Коллаж. 13.00 «Время». 16.00 Мультифильмлар: «Портада», «Қайиқча».

9.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари. 9.15 «Геометриани қимга кераги бор?». Мультифильм.

17.30 Баскетбол. «Макдональдс» халқаро турнири. Эркалар. Испаниядан кўрсатилади.

18.10 РСФСР шахарлари телестудиялари. «Қасаба уюшмаси ўзгариб бораётган жамиятдан» (Куйбишев шаҳри).

Чоршанба, 24

11.25 Кўрсатувлар тартиби. 11.30 Ўзбекистон халқлари тарихи. Ўзбекистонда ер-сув ислоҳоти. 12.00 «Қаҳрамон Дадаев». Фильм-концерт («Ўзбектеlevision»).

18.50 «Элга хизмат: талаб ва тақлиф». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Бобурнома». Асар яратилганнинг 460 йиллигига.

20.00 «Тошкент» хабарлари. 20.10 «Безане мисрас» (татар тилида). 20.50 «Дўстлик тароналари». Концерт.

16.00 «Махфий фарватер». 2-серия. 17.10 «Муслиқ хазина». Ф. Шопен асарларини Э. Анжаридзе ижро этади.

9.15 Илмий-оммабон фильмлар: «Кичкинтойлар учун геометрия». Квадрат гилдиракли арава.

13.05 «Милиция сержанти». Уч серияли телевизион бадий фильм. 3-серия.

18.10 РСФСР шахарлари телестудиялари. «Қуёш тутилган пайдаги жамов портрети» (Мурманск).

Пайшанба, 25

11.25 Кўрсатувлар тартиби. 11.30 «Советлар мамлакатининг ишлари». Кинопрограмма. 12.30 «Жонли камалак». Бадий фильм.

18.50 Тижорат хабарлари. 18.55 «Алифбо сабоқлари». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Тиббети атамалари».

20.00 «Тошкент» хабарлари. 20.10 «Безане мисрас» (татар тилида). 20.50 «Дўстлик тароналари».

16.00 «Махфий фарватер». 2-серия. 17.10 «Муслиқ хазина». Ф. Шопен асарларини Э. Анжаридзе ижро этади.

9.15 Илмий-оммабон фильмлар: «Кичкинтойлар учун геометрия». Квадрат гилдиракли арава.

13.05 «Милиция сержанти». Уч серияли телевизион бадий фильм. 3-серия.

18.10 РСФСР шахарлари телестудиялари. «Қуёш тутилган пайдаги жамов портрети» (Мурманск).

Жума, 26

11.25 Кўрсатувлар тартиби. 11.30 Ботаника. Бутулдошлар оиласи. 12.00 «Городицк ўйинчоқлари».

19.50 «Санъат» муштарийларига. 20.10 Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши сессияси олдидан. 20.30 «Ахборот».

20.00 «Тошкент» хабарлари. 20.10 «Безане мисрас» (татар тилида). 20.50 «Дўстлик тароналари».

16.00 «Дюмхон». Мультифильм. 16.30 «Махфий фарватер». 4-серия.

9.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари. 9.15 Илмий-оммабон фильмлар: «Кичкинтойлар учун геометрия».

13.05 «Осейшта хондон». Телевизион бадий фильм.

18.10 РСФСР шахарлари телестудиялари. «Қуёш тутилган пайдаги жамов портрети» (Мурманск).

Шанба, 27

8.00 «Ассалому алайкум». Муслиқий кўрсатув. 9.00 «Доктор Жекил ва жаноб Хайдинг ўмишлари».

13.35 «Шўртнинг ўнинчи баҳори» (такрор). 13.45 «Диққат, ағин!».

20.30 «Ахборот». 20.50 «Забони мо — жаҳони мо». 21.30 Москва. «Время».

20.30 «Ахборот». 20.50 «Забони мо — жаҳони мо». 21.30 Москва. «Время».

9.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари. 9.15 Илмий-оммабон фильмлар: «Кичкинтойлар учун геометрия».

13.05 «Осейшта хондон». Телевизион бадий фильм.

18.10 РСФСР шахарлари телестудиялари. «Қуёш тутилган пайдаги жамов портрети» (Мурманск).

Якшанба, 28

8.00 «Хадтаном» (такрор). 9.00 «Хамвонда қуёш». Бадий фильм (М. Горький номили киностудия).

18.50 «Кичкинтой» программаси. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Оламга савҳат». Кино-кўрсатув.

20.30 «Ахборот». 20.50 «Анор» ашула ва ракс ансамблининг концерти.

16.55 Телевизион ҳужжатли фильм. 17.05 «Москва — Сизга». Муслиқий лавха.

9.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари. 9.15 Илмий-оммабон фильмлар: «Кичкинтойлар учун геометрия».

13.05 «Осейшта хондон». Телевизион бадий фильм.

18.10 РСФСР шахарлари телестудиялари. «Қуёш тутилган пайдаги жамов портрети» (Мурманск).

ТОШКЕНТ ОҚИМОНИ
«Вечерний Ташкент» — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.